

Ҳожиёв Носир,
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят ҳуқуқи ва криминология кафедраси
ўқитувчиси

Рустамов Нодирбек Илхомович,
Учтепа туман прокурорининг ёрдамчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-8-3>

ДАЛИЛЛАРНИ СОХТАЛАШТИРИШ (ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ) ЖИНОЯТИ ТУШУНЧАСИ ВА УМУМИЙ ТАВСИФИ

Аннотация: мазкур мақолада далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жинояти тушунчаси ва умумий тавсифи, шунингдек, Ўзбекистон республикаси жиноят кодексига келтирилган айрим назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), исбот қилиш, ҳужжатлар ва предметлар, жиноят иши, терговга қадар текширув.

Ҳожиёв Носир,
Преподаватель кафедры Уголовное право и криминологии
Ташкентского государственного юридического университета

Рустамов Нодирбек Илхомович,
Помощник прокурора Учтепинского района

ПОНЯТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ФАЛЬСИФИКАЦИЯ (ПОДДЕЛКА) ДОКАЗАТЕЛЬСТВ И ЕГО ОБЩАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА

Аннотация: в данной статье представлены понятие преступления фальсификация (подделка) доказательств и его общая характеристика, в том числе его теоретические и практические проблемы, которые указаны в уголовном кодексе республики узбекистан. кроме того, разработаны предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию уголовного законодательства республики узбекистан.

Ключевые слова: фальсификация (подделка) доказательств, доказывание, документы и предметы, доследственных проверок и уголовных дел.

Khojiev Nosir,
Teacher of the Department of Criminal Law and
Criminology of the Tashkent State University of Law

Rustamov Nodirbek Ilkhomovich,
Uchtepa district Prosecutor's Assistant

THE CONCEPT OF THE CRIME OF FALSIFICATION OF EVIDENCE AND GENERAL DESCRIPTION

Annotation: this article illustrates the concept of the crime of falsification of evidence and general description and their criminal legal significances, including the theoretical and practical problems of facultative signs of the objective side of the crime structure, which are specified in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. In addition, proposals and recommendations for further improvement of the criminal legislation of the Republic of Uzbekistan.

Key words: falsification (forgery) of evidence, proof, documents or objects, pre-investigation checks and criminal cases.

For citation: Khojiev Nosir, Rustamov Nodirbek Ikhomovich. THE CONCEPT OF THE CRIME OF FALSIFICATION OF EVIDENCE AND GENERAL DESCRIPTION. 2019, 8 vol., issue 1, pp. 14-22

Бизга маълумки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб боралаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жумладан тергов қилиш ва суд ишларини ҳал этишда ушбу органлар мутақиллигини таъминлаш устувор вазибалардан бири бўлиб келмоқда. Негаки, айнан ушбу тергов қилиш ва суд жараёнида шахсларнинг содир этган қилмишида жиноят таркиби бор ёки йўқлиги, томонларнинг ҳуқуқлари ва бузилган манфаатларини тиклаш, айбсиз шахсни оқлаш, айбдорларни эса қонунларда белгиланган таъсир чораси ёки жазога тортиш, халқнинг давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд фаолиятига бўлган ишончи айнан ушбу жараёнда билинади. Шунинг учун ҳам, Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимида мустақилликни таъминлаш, уларнинг фаолиятига ҳар қандай аралашувларнинг олдини олиш, уларнинг фаолиятида фақатгина қонун устуворлиги тамойилиги амал қилиш масалаларига атрофлича эътибор бериб келинмоқда.

Ушбу ислохотларнинг узвий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ 4850-сонли "Суд ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора тadbирлари тўғрисида"ги Фармони, "Суд ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора тadbирлар Дастури, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ 4966-сон "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора тadbирлари тўғрисида"ги Фармонлари мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган бўлиб, суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилган.

Далилларни сохталаштириш (қалбақлаштириш) жинояти учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг "Одил судловга қарши жиноятлар" номли XVI-бобда назарда тутилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги 470-сон "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тadbирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига асосан киритилган.

Далилларни сохталаштириш (қалбақлаштириш) жинояти учун жавобгарлик, асосан исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш

учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида гаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлгон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши учун жавобгарликни қамараб олиб, кўпроқ жиноят ишлари бўйича судлар назарда тутилган.

Бироқ бугунги бозор иқтисодиёти шароитида кенг ривожланиб бораётган иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий низоларни ҳал этиб, одил судловни тامينлайдиган маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судлар доираси қамраб олинмаган. Айниқса, иқтисодий низола билан боғлиқ далилларни сохталаштириш ижтимоий хавфлилиги юқорилиги билан изоҳланади.

Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жинояти тушунчасига тўхталишдан олдин далиллар ва қалбакиллаштириш тушунчаларига қисқагина тўхталамиз.

Ушбу жиноят исботлашни амалга ошираётган шахслар ёки исботлашда иштирок этиш учун жалб қилинаётган шахслар томонидан далилларнинг терговга қадар текширув ва жиноят ишлари материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш чоғида гаразли ёки бошқа паст ниятларда ҳужжатларга ёхуд ашёларга била туриб ёлгон маълумотларни киритишда ва ўзга бузиб кўрсатишларда намоён бўладиган сохталаштирилиши (қалбакилаштирилиши)дир.

Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларни эшитиш йўли билан тўпланади (ЖПК 87-м.).

Исбот қилишда иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади. Улар ЖПКда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар (ЖПК 86-м.).

Исбот қилиш ҳуқуқининг мазмунига далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари, шунингдек ушбу органлар билан фуқаролар ўртасида юзага келадиган муносабатлар ҳам хосдир. Исбот қилиш жиноят процессининг барча босқичларида мавжуд, чунки ҳамма жойда фактларнинг воқеликка мослиги тарзда аниқланади. Турли босқичларнинг вазифалари ва процессуал шаклларининг хусусиятларига қараб ҳолатларнинг хусусияти, далилларнинг етарлилиги, исбот қилиш воситалар ва далилларни олиш усуллари ўзгариши мумкин. Аммо далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш борасидаги фаолиятнинг асосий йўналиши - иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш, деган тушунча ўзгармай қолаверади.

Жиноят процесси назарияси исбот қилиш фаолияти мураккаб жараён сифатида қуйидаги элементлар ёки босқичлардан иборат бўлади.

Булар:

а) Далилларни тўплаш - суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг фактик маълумотлар манбаини аниқлаш, ундан зарур ахборотни олиш ва уни қайд этиш

борасидаги фаолияти бўлиб, ушбу фаолият жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган шакллар ва усулларда амалга оширилади. Далилларни жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар ЖПК талаблар асосида тўплайдилар. Далилларни, шунингдек гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари, ҳар қандай фуқаролар ва ташкилотлар ҳам тақдим этишлари мумкин. Далиллар жиноят процессининг ҳар қандай босқичида ҳар бир босқичнинг процессуал хусусиятларидан келиб чиқадиган шакл ва усулларда тўпланади.

б) Далилларни текшириш - суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг фактик маълумотларнинг ишончлилигини ҳамда улар олинадиган манбаларнинг жиноят иши ҳолатларини тўғри аниқлаш учун яроқчилигини пухта, ҳар томонлама ва ҳолисона аниқлаш борасидаги фаолиятидир. Далиллар (ЖПК 94-м.) процесснинг барча босқичларида текширилади. Фактик маълумотлар ҳам, улар олинадиган манбалар ҳам, ҳар бир далил алоҳида ҳамда бошқа мавжуд далиллар билан биргаликда ҳам текширилиши лозим. Далилларни процессуал қарорларнинг қабул қилинишига алоқадор бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар текширадилар. Процесснинг бошқа субъектлари далилларни текширишда иштирок этадилар, холос. Далилларни текширишда исбот қилиш субъекти бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ўзига тўпланган ёхуд унга тақдим қилинган далилларни (маълумотларни) ички билаш фаолияти орқали ёки ЖПКнинг 87 моддасида белгиланган бирор тергов ҳаракатини ўтказиш орқали текшириши мумкин.

в) Исбот қилишнинг доимо талаб қилинадиган ва субъектив масалаларни қамраб оладиган элементи бу - далилларни (аниқроғи, маълумотларни) баҳолашдир. Далилларни баҳолаш - далилларга баҳо бериш исбот қилишнинг яқунловчи элементи. Бу фаолият эҳтимолга эмас, аниқ ишончга таяниши хусусида жиноят-процессуал қонунда белгиланган: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЖПКнинг 88, 90, 92-94 моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлса, улар мақбул деб эътироф этилади. Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади (ЖПК 95-модда).

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга оширувчи ва бурчларини бажарувчи бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳам жалб этиладилар.

Фан ва техника ютуқлари жиноят процессига далилларни тўплаш ва текшириш чоғида турии экспертизалар ўтказиш кўринишида, видеоёзувни қўллаш, қолип ва нусхалар тайёрлаш йўли билан жадал жорий этилмоқда. Қонунда уларни

расмийлаштиришнинг процессуал тартиби назарда тутилган. Фан-техника воситаларини қўллаш материаллари процессда ҳам ҳужжатлар сифатида, ҳам ашёвий далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин. Ҳаммаси ушбу материаллар қандай белгилар мажмуига эгаллигига боғлиқ. Фан-техника воситаларини процессдан ташқарида қўллаш уларни судда текшириш учун шарт-шароит яратишни талаб қилади. Шу тариқа олинган ҳужжатларни мансабдор шахслар қандай ҳолатларда ва ким аниқлаганини тушунтирувчи расмий ҳужжат билан бирга тақдим этишга ҳақлидирлар. Ҳужжат уни суриштирувчи, терговчи, судья ёки суд ишга қўшиб қўйган тақдирдагина далиллар манбаи аҳамиятига эга бўлади.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида давлат сирлари қўриқланишининг кафолатлари ҳам назарда тутилган. Хусусан, давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кегириш, олиб қўйиш ва унга доир бошқа ҳаракатлар фақат суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкция берган қарорига биноан ёхуд суд ажримига кўра амалга оширилиши мумкин. Прокурор ёки суд мажлисида раислик қилувчи бундай ҳаракатларни ўтказиш вақти, жойи ва бошқа шартларини шу ҳужжатлар ёки нарсаларни сақлаш учун жавобгар бўлган корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари билан келишиб олади.

Бундай ҳаракатларни юриштида эксперт, мутахассис, ҳолис сифатида фақат давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ва нарсалар билан танишишга рухсат берилган шахслар иштирок этадилар (ЖПК 89-м.).

Ҳар қандай далил баённомада қайд этилиши керак. Маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов ҳаракати баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин. Баённомалар юриштиш учун шахсий масъулият суриштирувчи ва дастлабки тергов бошқичида суриштирувчи ва терговчи, судда эса, раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби зиммасига юклатилади.

ЖПКнинг 90-моддасида баённомаларга албатта киритилиши керак бўлган маълумотлар рўйхати келтирилган. Булар: тергов ёки суд ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани; тергов ёки суд ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари; тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари, тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар; тергов ҳаракатини олиб бориш ёки суд муҳокамаси жараёнидаги тартиббузарлик ҳоллари, шунингдек бу тартиббузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш учун қўрилган чора-тадбирлар.

Бундан ташқари, далилларни қайд этишнинг ёрдамчи усуллари ҳам мавжуд. ЖПКнинг 91-моддасига мувофиқ, далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, суд далилларни қайд этишнинг бу усуллари қўлланишига қўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи, суд томонидан далилларни қайд этишнинг қандай усуллари қўллангани, фойдаланилган аппаратлар, асбоблар, ускуналар, материалларнинг техникавий тавсифи келтирилиб, тегишлича тергов ҳаракати

баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Бунда тергов ёки суд ҳаракатининг бориши ва натижалари акс эттирилган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, қолиплар, нусхалар, режалар, схемалар ва бошқалар баённомага илова қилинади. Ҳар қайси иловада тергов ёки суд ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши лозим. Бу изоҳловчи матнни суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ёки терговчи ва ҳолислар, судда эса раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби ўз имзолари билан тасдиқлайдилар.

ЖПКнинг 92-моддасига мувофиқ, тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг, шунингдек суд муҳокамасидаги тарафларнинг бу ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома билан танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш ҳуқуқлари таъминланиши керак. Бунда суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши билан дарҳол ушбу ҳаракат иштирокчиларига баённомани ўқиб чиқишга имкон беради ёхуд илтимосларига кўра уларга ўқиб беради. Шундай тартибда раислик қилувчи ёки унинг топшириғига биноан суд мажлиси котиби суд залидан ташқарида бажарилган суд ҳаракати иштирокчиларини, шунингдек тарафларни суд мажлиси баённомасидаги мазкур суд ҳаракатига тааллуқли ёзувлар билан таништиради.

Огзаки билдирилган қўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар баённомага киритилади, ёзма равишда ифода этилганлари эса баённомага илова қилинади. Ўчиришлар ёки киритилган қўшимча сўзлар ёхуд бошқа тузатишлар хусусида баённома охиридаги имзолар олдиан изоҳлар берилади. Тергов ҳаракати баённомаси билан таништирилган шахслар баённоманинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар.

Ҳужжатнинг хилма хил маънолари мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида ҳар хил ҳажм ва мазмунга эгадир. Юридик адабиётларда ҳужжат - бу исталган ахборотни моддий етказувчи [1], ахборот мазмунини қайд этувчи [2], юридик ҳолатни тасдиқловчи [3] ҳужжатлардир дейилади. Б.И.Пинхасов ҳужжатлар юридик аҳамиятга молик ҳодисалар ёки фактларни тасдиқлашнинг моддий шаклидир [4], - деб ёзади. Бошқа муаллифлар ҳужжат юридик аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ёки фактларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашга хизмат қилувчи ёзма актдир, [5] деб ёзадилар. Бошқа адабиётда ҳужжат - муайян бир ҳодисани, ҳодисага бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи иш қоғозидир [6] - дейилади.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, юридик адабиётларда ҳужжат тушунчасига ҳар хил таъриф берилган [7].

Ҳужжат - муайян маънодаги мазмунга эга бўлган, сақлаш ёки ўзгага бериш учун мўлжалланган, босма ёки қўлёзма ҳарфларда, рақамларда белгиларда ёки кодларда ифодаланган бўлади. Қайд қилиш усулига қараб, ёзма, чизма, расм, схемалар ҳолатида, киноматериал, видеокиноматериаллар шаклида; кодланган ахборот сифатида (магнит ленталари, дисклар, хариталар шаклида); ва ҳоказо шаклларда бўлиши мумкин [8].

Ҳужжат муайян зарурий элементлардан иборат бўлиб, улар ҳужжатнинг реквизитлари ҳисобланади. Бу реквизитлар: ҳужжатнинг номи, тузган ташкилот ёки шахснинг номи, жойи ва вақти, ҳужжатнинг кимга берилаётганлиги, қайси ташкилот ва шахс томонидан берилаётганлиги, ундаги ёзув матни, муҳри, штамп, рўйхатга олинган рақами, рўйхатга олинганлигининг белгиси, ҳужжат эгасининг расми ва имзоси бўлиши керак.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳужжатга кимсанинг кимлигини, машғулотини, бирор ташкилотга аъзолигини тасдиқловчи иш қоғози (паспорт, гувоҳнома, студентлик билети, аъзолик билети ва ҳ.к.), [9] деб таъриф берилган.

Ф.А.Брокгауз ва И.А.Ефроннинг энциклопедик луғатида "ҳужжат" тушунчасининг икки хил - кенг ва тор маънодаги таърифи берилган. Биринчи маъноси - бу юридик муносабатлар ва ҳодисаларнинг далили бўлиб хизмат қилувчи ҳар қандай моддий белги; иккинчи маъноси - асосан юридик муносабатлар ва ҳодисаларнинг ёзма далили бўлиб хизмат қила оладиган қоғозлар [10].

А.П.Вершинин юридик (ҳуқуқий) ҳужжатларни алоҳида ажратади. Унинг фикрича, бу ҳужжатлар қонун талабларига мувофиқ ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятларни ёки юридик ҳолатлар (ҳодисалар, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ҳаракатлар)ни тасдиқлаш мақсадида тузилади [11].

В.С.Постников ҳар хил даражадаги ҳужжатлар бир қатор умумий жиҳатларга эга бўлса-да, уларнинг тушунча ва белгилари мос келмаслигини кўрсатиб ўтади. Олим ҳужжатларнинг батафсил таснифини ишлаб чиққан бўлиб, унга ҳужжатларнинг ҳажман ҳар хил тушунчалари киритилган:

- инсон билимларининг барча соҳалари учун;
- умуман ҳуқуқшунослик учун;
- ҳуқуқнинг алоҳида соҳалари учун;
- жинойт ҳуқуқи учун;
- жинойтларнинг алоҳида таркиблари учун [12].

М.И.Фёдоров, умуман олганда, ҳужжат тушунчасини жинойт-ҳуқуқий тушунча эмас, деб ҳисобласа-да, шу ернинг ўзида бошқарув тартибига қарши жинойтларнинг муайян таркиблари учун унга аниқ таъриф бериш зарурлигини кўрсатиб ўтади [13].

Жинойт ҳуқуқида ҳужжат тушунчасига таъриф берилиб, уни "ўз" атамасига айлантлар экан, уни ҳуқуқнинг бошқа: маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи ва ҳ.к. соҳаларига қарши қўймаслиги, ҳужжат тушунчасини уларнинг ҳар бирига татбиқан аниқлаштирилиши лозим. А.Агафонов ҳам ушбу таърифта қўшилган ҳолда жинойтнинг объектив томонини таҳлил этишда эътиборга лойиқ ҳолатларни кўрсатиб ўтади [14].

Жинойт кодексига ҳужжат атамаси турли жинойт таркибларда қўлланган.

Биринчидан, ҳужжат айланиши соҳасида қуйидагилар гайриқонуний ҳаракатларнинг предметлари бўлиши мумкин:

- алоҳида тарихий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлган ҳужжатлар;
- тарихий ёки маданий қимматга эга бўлган ҳужжатлар;
- тижорат ёки банк сирга мансуб деб топилган маълумотлар ифодаланган ҳужжатлар;
- қимматли қоғозлар тоифасига кирмайдиган тўлов ҳужжатлари;
- божхона ҳужжатлари;
- бирон-бир ташкилотнинг иқтисодий фаолиятини акс эттирувчи бухгалтерия ва бошқа ҳисоб ҳужжатлари;
- гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни олиш ҳуқуқини берувчи рецептлар ёки бошқа ҳужжатлар;
- кўрсатилган товарлар, ишлар ёки хизматларнинг хавфсизлик талабларига жавоб беришини тасдиқловчи расмий ҳужжатлар;
- давлат сирини ёки бошқа шунга ўхшаш маълумотлар ифодаланган ҳужжатлар;
- фуқаролик ёки жинойт иши бўйича далил сифатида ўтаётган ҳужжатлар;

-
-
- чегарадан ўтишга рухсат берувчи ҳужжатлар;
 - фуқаролик ҳолатини тасдиқловчи шахсий ҳужжатлар;
 - ҳарбий хизматга мажбур шахсни ёки ҳарбий хизматчини ҳарбий хизмат мажбуриятидан озод қилувчи ҳужжатлар.

Иккинчидан, ахборотлаштириш жараёнининг чуқурлашиши билан боғлиқ бўлган илгари маълум бўлмаган жиноят таркиблари пайдо бўлди. Жиноят қонунида компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятлар учун жинойий жавобгарлик назарда тутилди (ЎЗР ЖК 174-моддаси).

Учинчидан, амалдаги Жиноят кодексида бир қатор моддалар мавжудки, уларда ҳужжатлар тилга олинмаган бўлсада, мазкур жиноятлар аксарият ҳолларда сохта ёки қалбакилаштирилган ҳужжатлардан фойдаланиб содир этилиши мумкин. Булар жумласига: хат ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларни сир сақланишини ошкор қилиш (ЖК 143-моддаси); сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 146-моддаси); фирибгарлик (ЖК 168-моддаси); алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш (ЖК 170-моддаси); сохта тadbиркорлик (ЖК 179-моддаси); банкротликни яшириш (ЖК 181-моддаси); боғхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЖК 182-моддаси); солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЖК 184-моддаси); атроф табиий муҳитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасддан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (ЖК 194-моддаси); ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (ЖК 205-моддаси); мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-моддаси); давлат проба тамгаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЖК 281-моддаси); жинойий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш (легаллаштириш) (ЖК 243-моддаси); далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) (ЖКнинг 230¹-моддаси) ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси билан ҳукм қилинган, 500 га яқин шахсларнинг мавзуга доир жиноят ишлари ўрганилганида, уларнинг 15,5 фоизи ўзлаштириш ёки растарата қилиш мақсадида, 22,5 фоизи фирибгарлик қилиш, 5,2 фоизи - мансаб сохтакорлиги, 3,6 фоизи ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятини қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб содир қилганлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, сохта ҳужжатлардан фойдаланиб содир қилинадиган жиноятлар хилма хил бўлиб, ЖК Маҳсус қисмидаги кўплаб моддаларда назарда тутилган жиноятлар сохта ёки қалбакилаштирилган ҳужжатлардан фойдаланиб содир этилиши мумкин. Ана шундай ҳужжатлардан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларни таснифлашда ҳар бир муайян ҳолатда ҳужжатларнинг у ёки бу турга мансублиги аниқланиши лозим.

Хулоса қиладиган бўлсак, жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объекти бўлган ҳужжат тушунчаси қонунда белгиланган аломатларга эга бўлиб, бу белгилар уларни икки гуруҳга бўлишни тақозо қилади: 1) давлат бошқаруви соҳасида амалда бўлган ҳужжатлар; 2) муайян ҳуқуқ ёки мажбуриятларнинг мавжудлигини тасдиқловчи ёки улар ҳақида гувоҳлик берувчи ёки ҳуқуқий ҳолат (мақом)ни ёки бошқача бошқарув қарорини қайд этувчи юридик фактларни қайд этиш мазкур ҳужжатлар.

ЖКнинг 230¹-моддасида назарда тутилган далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жинояти учун жазо тайинлашда ушбу жиноятга умумий таъриф бериш лозимдир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Собрание законодательства Российской Федерации. - Москва, 1995. - № 8. - С. 1213. (Meeting of the legislation of the Russian Federation. - Moscow, 1995. - № 8. - p. 1213.)
2. Алёхин А.П. Козлов Ю.М. Сущность и основные институты административного права // Административное право Российской Федерации. - М., 1995. - С. 181. (Alekhin A.P. Kozlov Yu.M. The essence and the basic institutions of administrative law // Administrative law of the Russian Federation. - M., 1995. - p. 181.)
3. Поленов Г.Ф. Ответственность за похищение, подделку документов и их использование. - М., 1980. - С. 447. (Polenov GF Responsibility for the abduction, forgery of documents and their use. - M., 1980. - p. 447.)
4. Пинхасов Б.И. Подлог документов. - Т.:Фан, 1969. - С. 43. (Pinhasov B.I. Forgery of documents. - T.: Fan, 1969. - p. 43.)
5. Курс советского уголовного права. В 6 т. - М.: Наука, 1971. Т.6. - С. 74. (The course of the Soviet criminal law. In 6 t. - M.: Science, 1971. V. 6. - p. 74.)
6. Юридическая Энциклопедия. - М.: Юрист, 2001. - С. 283. (Legal Encyclopedia. - M.: Yurist, 2001. - p. 283.)
7. Верин В.П. Преступления в сфере экономики. - М.: Дело, 1999. - С. 84. (Verin V.P. Crimes in the economic sphere. - M.: Delo, 1999. - p. 84.)
8. Чўллийев Ш. Хужжатнинг юридик кучи // Ж. Ҳаёт ва қонун. - Тошкент, 2005. - № 4 (103). - Б. 62-63. (Chulliev Sh. Legal power of the document // J. Life and Law. - Tashkent, 2005. - No. 4 (103). - P. 62-63.)
9. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. - Т.: Рус тили, 1981. - 709 б. (Dictionary of English. - T. Russian, 1981. - 709 p.)
10. Брокгауз Ф.А., Ефрон И.А. Энциклопедический словарь. - СПб., 1893. - С. 898. (Brokgauz F.A., Efron I.A. Encyclopedic Dictionary. - SPb., 1893. - p. 898.)
11. Вершинин А.П. Юридические документы в нотариальной и судебной практике. - М., 1993. - С. 5. (Vershinin A.P. Legal documents in notarial and judicial practice. - M., 1993. - p.5.)
12. Постников В.С. О понятии документа как предмета преступления, предусмотренного ст. 196 УК РСФСР // Совершенствование правоохранительной деятельности органов внутренних дел. - М., 1990. - С. 97. (Postnikov V.S. On the concept of the document as the subject of a crime under Art. 196 of the Criminal Code of the RSFSR // Improving the law-enforcement activities of the internal affairs bodies. - M., 1990. - p. 97.)
13. Курс советского уголовного права / Под ред. Н.А. Беляева. - Л.: ЛГУ, 1978. Т.4. С. 480-481. (The course of the Soviet criminal law / Ed. ON. Belyaev. - L.: LSU, 1978. V.4. P. 480-481.)
14. Агафонов А. Нарушения правил изготовления и использование государственных пробирных клейм: проблемы уяснения содержания непосредственного объекта преступления // Ж. Уголовное право. - Москва, 2006. - № 1. - С. 4-7. (Agafonov A. Violations of the rules for the manufacture and use of state assay brands: problems of understanding the content of the immediate object of the crime // J. Criminal Law. - Moscow, 2006. - № 1. - p. 4-7)